

БОБУР ВА УНИНГ ИЗДОШЛАРИ ШЕЪРИЯТИДА ҒАЗАЛ ЖАНРИ

Гулсанам Ёркуловна ХОЛИҚУЛОВА

филология фанлари номзоди

докторант

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

gulsanamyorqulovna@mail.ru

Аннотация

Мақолада Бобур ва унинг издошларидан Байрамхон, Комрон Мирзо, Ҳумоюн Мирзо, Фориғий ғазаллари тадқиқ этилди. Ғазаллар содда, тушунарли, ҳаётий, халқ оғзаки шеъриятига яқин бўлиши, ҳажман қисқалиги, ҳазаж ва рамал баҳрларининг етакчилиги, мавзу жиҳатдан ошиқона, ҳасби хол, фалсафий-орифона характерли эканлиги ва мумтоз анъаналарга қай даражада ижодий ёндашилганлиги аниқланди. Уларда XV асргача мавжуд ғазалнавислик ва Навоий ва Бобур ғазалларига издошлик билан бирга XVI асрнинг ўзига хос жиҳатларининг намоён бўлиши кўрсатилди.

Таянч сўзлар: Бобур, Байрамхон, Комрон Мирзо, Ҳумоюн Мирзо, Фориғий, адабий мактаб, ғазал, услуб, ҳажм, мавзу, Навоий ва Бобурга издошлик, ўзига хослик.

ЖАНР ГАЗЕЛИ В ПОЭЗИИ БОБУРА И ЕГО ПОСЛЕДОВАТЕЛЕЙ

Гулсанам Ёркуловна ХОЛИКУЛОВА

Кандидат филологических наук

Докторант

Самаркандский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

gulsanamyorqulovna@mail.ru

Аннотация

В статье исследуются газели Бабура и его последователей Байрамхана, Комрона Мирзо, Хумоюна Мирзо, Фориғи. Выявлены особенности газели, они оказались простыми, понятными, жизненными, близкими к народной устной поэзии, небольшими по размеру хазажа и рамала, тематически романтическими, философско-орифонскими и творческими в своем подходе к классическим традициям. В статье анализируется продолжениеи традиций Навои и Бабура в написании газелей, и вместе с тем, особенности, присущие литературе XVI века.

Ключевые слова: Бобур, Байрамхан, Комрон Мирзо, Хумоюн Мирзо, Фориғи, литературная школа, газель, стиль, объем, тема, продолжение Навои и Бобур, оригинальность.

Ғазал жанри Шарқ адабиётида, хусусан, форс-тожик ва ўзбек адабиётида лириканинг энг кўп тарқалган туридир. Бу жанр китобхон руҳиятига ҳар томонлама тез таъсир этиши ва хотирада тез қолиши, турли мавзуларни ўзида қамрай олиш каби қулай хусусиятлари билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Шу сабаблидирки, Шарқ мумтоз адабиётида яратилган асарларнинг салмоқли қисмини ғазал жанри ташкил этади. Ижодкорларнинг аксарияти адабий мактаб пиллапояларини аксарият ҳолларда ғазал жанрида ижод этиш билан босиб ўтадилар.

XIV асрда ўзбек адабиётида Рабғузий, Хоразмий, Сайфи Саройи, Мавлоно Қози Мухсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имод Мавлавий, Туғлихўжа, Атойи, Лутфий, Саккокий, Гадоий каби шоирлар ижодида шаклланган, Навоий ижодида жаҳон адабиёти миқёсида энг юксак чўққига кўтарилган бу жанр XVI аср Бобур ва унинг издошлари Байрамхон, Комрон Мирзо, Ҳумоюн Мирзо, Фориғий, Азфарий, Дийда, Жоҳила, Юсуф Фарёбий, Саминий–Фаҳмлар ижодида ҳам лириканинг ғазал жанри етакчи эканлигини кўрсатади. Уларнинг ғазал жанридаги асарларини таҳлил этиш, ўрганиш ижодкор лирикасини ўрганишнинг бош масалаларидан бири бўлиши билан бирга ижодкорлик маҳоратининг тадрижий такомилени, шоир услубини ҳамда даврнинг шеърий услубини белгилаш мезони ҳамдир.

Ғазалнависликда Бобур ва унинг издошлари ўз салафлари эришган тажрибалардан ижодий фойдаланиб, улар шеъриятида мавжуд мавзу, тасвирий ифода ва ибораларни, поэтик усулларни ижодкорона ўзлаштириб, ўзига хос услубда ривожлантира олди. Улар томонидан давом эттирилган ўзбек ғазалчилигининг ўзига хос хусусиятларидан энг характерлиси тилда ва тасвирда бадий соддалик, равонликдир. Улар ғазалда тасвирнинг ўта жимжимадор ва мураккаб бўлмаслигига, содда, тушунарли, ҳаётий, халқ оғзаки шеъриятига яқин бўлишга интилдилар. Шунингдек, мазкур ижодкорлар ўз ғазалларида ийҳом, талмех, ташхис, тажнис, тазод каби бадий воситалардан фойдаланиб, янги-янги бадий тимсоллар яратдилар. Масалан, Бобурнинг қуйидаги байтига эътибор қаратсак:

*Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас [3;64].*

Ошиқона мазмундаги ушбу матлаъ билан бошланувчи ғазал 5 байтдан иборат бўлиб, бошдан оёқ тушунарли, содда, халқ тилига яқин. Ғазалда "жафокор" (жабр-ситама кўрсатувчи), "вафодор" (садоқатли, вафоли), "шаклу шамойил" (ташқи кўриниш), жинси башар (инсон авлоди), ағёр (ёт, рақиб), хор (тикан), ғамхор (ғамхўр, меҳрибон) каби араб ва форс-тожикча сўзлар учраса-да, уларнинг ўз даври умумистеъмолида тез-тез учраши ғазални осонгина тушунишга ёрдам беради. Бобур ғазалларидаги бундай хусусият унинг издошлари Байрамхон ва Комрон Мирзолар ижодида янада яққол кўзга ташланади.

Байрамхон:

*Қошингга тушгали, эй сарви гулузор, сочинг,
Мени ел эсганидек қилди беқарор сочинг [1;75].*

Комрон Мирзо:

*Агёрга кўп вафо қилурсен,
Жонимга баса жафо қилурсен [4;17].*

Ҳумоюн Мирзо:

*Менки булбулдек гулидин куймишам оҳанг ила,
Ўт солибтур жонима рухсорай гулранг ила [7; 57].*

Фориғий:

*Ваҳки, ҳижрон илгидин бағрим тўла қондур яна,
Сочининг савдосидан ҳолим паришондур яна [8; 53].*

Кўринадики, мазкур байтларда ҳам соддабаёнлик услуби, яъни кенг китобхонлар оммаси учун тушунилиши осон бўлган услубда асар яратиш тамойили кучли. Аҳамиятлиси, бу каби ғазалларнинг аксарияти ошиқона ва ҳасби ҳол мавзусида. Ҳамма даврларда бўлганидек ишқ ғазал марказида. Байрамхон, Фориғий байтлари Бобурнинг “Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг”, “Сочининг савдоси тушти бошима боштин яна” каби ғазалларида тасвир марказига олинган соч тимсоли билан боғлиқ бўлса, Комрон Мирзо ва

Ҳумоюн Мирзолар байтида эса ошиқнинг ҳазин, маъшуқадан норози ҳолати тасвирланган.

Бобур ва унинг издошлари ижодида ҳасби ҳол мавзундаги ғазаллар ҳам анчагина. Бу, айниқса, Бобур ижодида кўпроқ кўзга ташланади. Масалан: Бобурга эргашиш Ҳиндистонда Акбар ва Жаҳонгир замонида яшаган Хони Хонон номи билан машҳур Абдурахимнинг шогирди Фориғий ижодида ҳам яққол кўзга ташланади. Байт:

*Фориғий гар бўлди беному нишон, айб этмангиз,
Лавҳи маҳфуз ичра ҳам ному нишоним йўқтурур [8; 53].*

Ғазалларда ҳасби ҳол мазмуни бу жанрнинг халқчиллиги таъминлаган ва реалистик услубнинг XVI аср лирикасида ҳам салмоқли эканлигини кўрсатади.

Яна бир ўзига хос жиҳатлардан бири ғазаллар ҳажми билан боғлиқ. Бобур ғазалларининг катта қисми 5 байтлик. Лекин шоир ижодида 6 байтлик, шунингдек, 4,7,8 байтлик ғазаллар ҳам бор. Байрамхон ижодида 5-6 байтлик, Фориғийда 5 байтлик ғазаллар етакчи. Шунингдек, 4,6,7,8,9 байтликлари ҳам учрайди. Комрон Мирзо ғазаллари эса 2,3,4,5,6,7,8,9,11 байтлик. Шоирнинг 3 та 2 байтлик ғазал деб киритилган шеъри ҳам борки, уларнинг вазни ҳазажнинг ахраб вазнида. Қуйида улардан бирини келтирсак:

*Олам элидин бир йўли бегона бўлибмен,
То итларингга ҳамдаму ҳамхона бўлибмен.
Вайрона кўнгул ганжи жамолингга ватандур,
Бу важҳ била толиби вайрона бўлубмен [4;18].*

Маълум бўладики, ушбу шеър арузнинг мусиқий вазни бўлмиш ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (мафъувлу, мафоййлу, мафоййлу, фаувлун) вазнида ёзилган.

Ғазалларда ҳазаж ва рамал баҳрларининг етакчилиги Бобур ва унинг адабий мактаби вакиллари шеъриятида, хусусан, ғазалларида ҳам кузатилади. Бу хусусият мазкур ижодкорлар шеъриятининг ўзигача мавжуд ўзбек шеърияти заминида ривожланганини кўрсатувчи ташқи белгилардан

биридир. Маълум бўладики, Бобур ва унинг издошлари бўлмиш Байрамхон, Комрон Мирзо ғазалларининг ҳажми Навоий ғазаллари ҳажмидан фарқ қилгани ҳолда Атойи, Лутфий ғазаллари ҳажмига бирмунча яқин. Вазн жиҳатдан ҳам мана шундай яқинлик бор.

Ҳар учала шоир ғазалларида кўзга ташланадиган умумий жиҳатлардан яна бири ғазал жанрининг мавзусидир. Уларни шартли тарзда ошиқона, ҳасби ҳол, фалсафий-орифона йўналишларга ажратиш мумкин. Булар ичида ошиқона етакчи мавзу. Бу мавзунинг етакчилиги ғазалнинг жанрий хусусиятлари билан ҳам боғлиқ. Бобур ошиқона мавзудаги шеърларида фақат ишқий кечинмалар, изтироблар, висол айёми ҳақидаги орзу-хаёлларни куйлаш билан чекланмайди. Уларнинг замирига ҳаётий тажрибалардан англаган, мураккаб қисмат зарбаларидан чиқарган хулосаларни, фалсафий қарашларни сингдиради. У шоирона нигоҳ билан борлиқдаги ҳар бир ашённинг мўъжизаси, тилсимини англайди:

Кимки бўлғай сен киби оламда дилдори анинг,

Ҳар қаён азм айласа, бўлғай Ходо ёри анинг [3; 76].

Ошиқона ғазалларнинг айрим байтларида ҳасби ҳоллик, орифона мазмун-моҳият аралашиб кетган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Орифона мазмундаги ғазаллар ёки байтларда истиора, ийҳомлардан кенг ва ўринли фойдаланилган, мураккаб синтактик қурилишга эгалик кўзга ташланади. Масалан, Бобур шеърлятида қуйидаги матлаъ билан бошланувчи ғазалнинг айрим байтларига эътибор қаратсак:

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду хуррамлар,

Манга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар [3; 36].

Мазкур ғазал адабиётшуносликда ёр ва диёрдан айро ошиқ кечинмалари сифатида талқин этилган. Бунга бирор эътироз билдирмаган ҳолда ғазалнинг айрим байтлари замирида рамзийлик асосида илоҳий ошиқликка ҳам ишоралар борлигини кўрамыз.

Мену кунжи ғаму оҳу фиғону ашки хунолуд,

Не хушдир гўшаи холи, майи софию ҳамдамлар [3; 36].

Ғам гўшаси, оҳ, фиғон, ашк, соф май билан ҳамдамлик барчаси фалсафий мушоҳадага имкон яратади. Мана шу ҳолатда лирик қаҳрамон тўғридан тўғри ҳақиқий ошиқ сифатида намоён бўлади. Бундай тасвир эса адабиётда янгилик эмаслигини Навоий ижодидаги орифона мазмундаги ғазаллар исбот этади. Шу жиҳатдан ҳам Бобур шеъриятида Навоий ижодига издошлик кучли. Байрамхон, Комрон Мирзо ғазалларида ҳам Лутфий, Навоий ва Бобур ижодига издошлик кузатилади. Байрамхоннинг "Инонма" (Лутфий), "Кошки" (Навоий), "Топилмас" (Бобур) радифли ғазаллари шулар жумласидан. Комрон Мирзонинг "Сендин айру ҳар замон кўнглум менинг ғамнокрак", "Даво висолинг эрур кўнглума, тарахҳум этиб" мисралари билан бошланувчи ғазаллари эса Навоий ижоди таъсирида яратилган. Комрон Мирзо Навоийнинг

Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,

Кипригим шабнам тўкулган сабзадин намрокроқ [5; 370] -

байти билан бошланувчи ғазалига эргашиб ёзган қўйидаги ғазали назиранинг гўзал намунаси:

Сендин айру ҳар замон кўнглум менинг ғамнокрак,

Кўкрагим ҳажр илгидин пироханимдин чокрак.

Тийги мужгон тез этиб, мастона боқсанг, эй қуёш,

Ханжаринг бебоку андин кўзларинг бебокрак.

Бир назар бирла билиб дардим мудово айладинг,

Йўқтурур ҳусн аҳлида сендин киши даррокрак.

Поклар кўнгли мақомингдур магар наққоши сунъ,

Чекмади суврат бу сафҳа узра сендин покрак.

Комрон қулдур қаду рафторингаким, йўқтурур,

Қоматингдин бог аро сарви сихий чолокрак [4; 15].

Ушбу ғазалдан маълум бўладики, Комрон Мирзо Алишер Навоий ижодига бевосита мурожаат этиб, устоз шоирга издошлик қилган. Комрон Мирзонинг мумтоз адабиёт анъаналарига издошлиги, айниқса, ўз падари бузуруквори Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига эргашишида яққол кўзга ташланади. Бу масала адабиётшуносликда алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади.

Лутфийнинг машҳур ғазалига ўхшатма тарзда Байрамхон томонидан яратилган "Инонма» радифли ғазалида эса ошиқона мавзу билан ижтимоий мазмун аралаш ҳолда келган:

*Ҳар сўзки гаразгў деса, эй ёр, инонма,
Арбоби гараз сўзига зинҳор инонма [1; 60].*

Бир қарашда ошиқнинг ёрга мурожаатидек кўринган ушбу байтлар ижтимоийлик ҳам касб этади. Унда хиёнатчи ғаразгўйларни қоралаб, шохни ундай кишиларни ўзига яқинлаштирмасликка даъват этиш сезилади. Агар Байрамхоннинг Хумоюн саройидаги мавқеи ва вазифасини назарда тутсак, ижтимоий талқин ўз исботини топади.

Хулоса қилиб айтганда, Бобур ва унинг адабий мактаби вакилларидаан Байрамхон, Комрон Мирзо ғазалиёти, аввало, ўзининг соддабаён, тушунарли, ҳаётий, халқ оғзаки шеъриятига яқин эканлиги, шунингдек, мавзу ранг-баранглиги, бунда ҳасби ҳолнинг яққол кўзга ташланиши, мавжуд мумтоз анъаналарга издошлиги, ғазал ҳажмининг ихчамлиги, XVI асргача етакчи бўлган ҳазаж ва рамалда ёзилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу эса XV асргача мавжуд ғазалнавислик ва Навоий ғазалларига издошлик билан бирга ўзига хос жиҳатларни намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Байрамхон. Сайланган асарлар. – Ашхобот: Туркменистон, 1970. – 158 б.
2. Валихўжаев Б., Тоҳиров Қ. Ўзбек адабиёти тарихи. (XVI аср) – Самарқанд: СамДУ, 2002. – 161 б.

3. Бобур, Захириддин Муҳаммад. Ғарибинг андижонийдур. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 288 б.
4. Комрон Мирзо. Девон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – 80 б.
5. Навоий, Алишер. Қаро кўзим. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1988. – 768 б.
6. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 328 б.
7. Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Тазкира. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1993. – 344 б.
8. Ҳасанов С. Ҳиндистонда Бобир даври ўзбек адабий муҳити. // “Ёшлик” журнали, 1983. – №4. – Б. 50-53.